O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMAN HOKIMINING
QARORI

708806 Zafarobod sh. Mustaqillik ko’chasi 1-uy. Tel (72)472-24-20 e-mail:zafarobod.t@exat.uz

2022 - yil 20 - dekabr 290-3-50-Q/22 Zafarobod tuman hokimligi

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-бандига мувофиқ истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Зафаробод туман филиали томонидан аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларини тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Жиззах Сув таъминоти” МЧЖ Зафаробод туман филиалига:

Ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

Оқова сув хизматидан фойдаланувчи истемолчиларга белгиланган тартибда шартнома асосида хизмат кўрсатиш;

Истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

3. Зафаробод туманида етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Ў.Рўзиқулов) ҳамда “Zafar yo’lidan” газетаси мухаррири (Н.Қудратова)га мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва “Zafar yo’lidan” газеталарида эълон қилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари в.б Ш.Эшатов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ў.Рахманов**

Zafarobod tuman hokimining
2022 yil 20 dekabrdagi
290-3-50-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Зафаробод туманида 1 м3 ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлар

ЖАДВАЛИ

Т/Р	Хизмат турлари	Истемол тури	Ўлчов Бирлиги	Нархи (сўмда)
1	Ичимлик суви	Аҳоли истемолчиларига	1 м3	25000 (келишилган холатда)
		Бюджет ва улгуржи Истеъмолчиларга	1 м3	50000 (келишилган холатда)
2	Оқова сув	Аҳоли истемолчиларига	1 м3	1050
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м3	1250